Materiallar to’plami · Conference Proceedings

“Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarni ta’minlash: global chaqiriqlar va milliy yechimlar(Fuqarolarning iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlari: transmilliy muammolar va ularni hal etish mexanizmlari)”

01 October – 14 November 2026

UDK 51

IQTISODIY, IJTIMOIY VA MADANIY HUQUQLARNI TA’MINLASH: GLOBAL CHAQIRIQLAR VA MILLIY YECHIMLAR

ТУРИСТИК МАЖМУАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНТЕГРАЛ МОДЕЛ КЎРСАТКИЧЛАРИГА АСОСЛАНГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Jamoliddin Қурбонали ўғли Ergashev*

Farg‘ona davlat universiteti

✉ xomidovqahhorali7@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада туристик мажмуалар рақобатбардошлигининг интеграл модел кўрсаткичи таркибига кирувчи мониторинг ва тахрирлаш омиллари таснифи келтирилган бўлиб, рақобатбардошлик омилларини асосий хусусиятлари ва белгилари бўйича таснифлаш ҳамда ушбу таснифдан таҳлил жараёнида фойдаланиш кўрсаткичларнинг асосий қисмини баҳолаш жараёнида қамраб олиш имконияти кенгайтирилган.

Ключевые слова

Туристик мажмуа, туристик мажмуалар рақобатбардошлиги, интеграл модел кўрсаткичлари, рақобатбардошлик омиллари.

DOI: 10.5281/zenodo.23885994

Кириш. Туристик мажмуаларда амалга оширилаётган фаолият туризм соҳасининг алоҳида тармоқларидаги сингари бошқарув жараёнларини ҳудудий жиҳатдан бир бутун тизим шаклида ташкил этиш ҳамда давлат бошқарув тузилмаларининг доимий қўллаб-қувватлашини талаб қилувчи фаолият соҳасидир. Бугунги кунгача туристик мажмуаларда хизмат кўрсатиш фаолиятини бошқариш йўналишида амалга оширилган тадқиқотларда соҳани бошқариш жараёнларига концептуал ёндашувлар мавжуд бўлса-да, бу тадқиқотларда рақобатбардошликни бошқариш ҳудудий мажмуалар шаклида ўрганилмаган. Тадқиқотлар натижалари туристик мажмуалар фаолиятини бошқариш концепциялари нафақат ҳудуд, балки фаолиятга бирлашган субъектлар нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Туристик мажмуаларда фаолиятни амалга оширувчи тизим фойда олиш учун соҳада сифатли хизматларни оқилона ташкил этишга қаратилган самарали бошқарувни талаб қиладиган ресурслар компонентлари ва тегишли инфратузилмага эга бўлган, муайян ҳудудда фаолиятни ташкил этувчи корхоналар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимидир.

Адабиётлар таҳлили. Туристик мажмуаларда хизматлар сифати ва самарадорликни бошқаришнинг тегишли механизмларини шакллантириш ва уларни баҳолаш ҳамда амалиётда қўллаш юзасидан бир қатор Фармон, қарор, халқаро ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари қабул қилинган, шунингдек, соҳа мутахассислари ва олимлар томонидан тадқиқ қилиниб, тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Э.Лоузнинг ёндашувларидан ташқари туристик мажмуа тушунчасига А.Лью, В.Фрамке,

Ж.Сааринена ва М.Киланенлар томонидан ишлаб чиқилган ёндашувлар ҳам мавжуд [1]. Ушбу тадқиқотчиларнинг “туристик мажмуа” тушунчасига концептуал ёндашувларини ўрганиб чиққан ҳолда концептуал ёндашувларни тўрт асосий йўналишда ажратиб чиқиш мумкин.

1. Иқтисодий-географик жиҳатдан йўналтирилган концептуал ёндашув. Ушбу йўналишдаги ёндашувга К.Метелка, С.Медлик, Р.Батлер, Н.Лейпер ва Р.Мейтленд каби хорижий тадқиқотчиларнинг ишларини киритиш мумкин.

2. Маркетинг-бошқарувига йўналтирилган концептуал ёндашув. Ушбу йўналишдаги ёндашувга хорижлик олимлардан Ф.Котлер, Ж.Боуэн, Ж.Мейкенз, Д.Бухалис ва К.Гуннларнинг ёндашувлари тегишли.

3. Мижозга йўналтирилган концептуал ёндашув. Ушбу концептуал ёндашувга хизматлар маркетинги, стратегияси ҳамда маркетинг алоқаларига тегишли қарашларни ифодаловчи Ж.Мойсандер, А.Валтонен, К.Гренроос, М.Битнер, Ж.Горовиц ва Л.Моссбергларнинг тадқиқотлари киради.

4. Ижтимоий-маданий концептуал ёндашув. Бу ёндашувларнинг мазмуни Ж.Дюмазедье, Н.Колодий, Ж.Урри ва Р.Лашлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Тадқиқот методологияси. Туристик мажмуаларда рақобатбардошликни бошқариш концепцияларида фаолият жараёнларига таъсир этувчи риск омилларини таҳлил қилишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, эксперт баҳолаш усули ва тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Рақобатбардошлик омилларини асосий хусусиятлари ва белгилари бўйича таснифлаш ҳамда ушбу таснифдан таҳлил жараёнида фойдаланиш кўрсаткичларнинг асосий қисмини баҳолаш жараёнида қамраб олиш имконини кенгайтиради (1-расм).

Таклиф этилаётган механизмга асосланувчи модел негизида рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини шакллантириш бўйича услубиёт таклиф этилади.

Туристик мажмуалар рақобатбардошлигининг интеграл
модел кўрсаткичи таркибига кирувчи мониторинг ва тахрирлаш омиллари
Макро муҳит омиллари
Сиёсий-ҳуқуқий омиллар

- Сиёсий барқарорлик
- Демократик институтларнинг ривожланиши
- Қонун ҳужжатларининг ўзгариши
- Аҳолининг сиёсий фаоллиги
- Қонунчиликнинг қатъийлиги
- Тармоқ бозорлари бўйича сиёсат
- Ҳуқуқни қўллаш амалиёти
- Солиққа тортишга оид қоидалар

Иқтисодий омиллар

- Ишбилармонлик муҳити даражаси
- Меҳнат ресурслари
- Табиий ва иқлим омиллари
- Транспорт инфратузилмасининг ривожлантириш
- Инфляция даражаси
- Фоиз ставкаси даражаси
- Ишсизлик даражаси
- Иш ҳақи даражаси
- Истеъмол даражаси
- Миллий валюта курси
- Соҳанинг ривожланиш суръатлари

- Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари

Технологик омиллар

- Янги технологиялардан фойдаланиш
- Янги ишлаб чиқариш технологиялари
- Янги ахборот технологиялари

Ижтимоий-маданий омиллар

- Демографик кўрсаткичлар
- Иқтисодий фаол аҳоли
- Аҳоли таркиби динамикаси
- Таълим даражаси динамикаси
- Ҳаёт сифатидан қониқиш
- Маданий муҳитнинг ривожланиш динамикаси

Микро муҳит омиллари

- Инфратузилма
- Муниципал органлар
- Жойлашиш
- Хизматлардан фойдаланиш даражаси
- Етказиб берувчилар
- Истеъмолчилар
- Оммавий ахборот воситалари
- Бозор конъюнктураси
- Рақобатчилар
- Нархлар

Ички муҳит
Ишлаб чиқариш омиллари
Кадрлар билан таъминланиш даражаси
Маркетинг омиллари
Молиявий омиллар
Ташкилий омиллар
Инновацион омиллар
Стратегик кўрсаткичлар

- Стратегияга эга бўлиш
- Стратегик таҳлил натижалари
- Стратегияни амалга ошириш коэффициенти
- Ташқи муҳит мониторинги
- Ички муҳит мониторинги
- Прогнозлаш тизими

1-расм. Туристик мажмуалар рақобатбардошлигининг интеграл модел кўрсаткичи таркибига кирувчи мониторинг ва тахрирлаш омиллари таснифи

Бу услубиёт интеграл кўрсаткични йиғиш алгоритми бўлиб, у айрим хусусий омиллар жорий қиймати, омиллар вазнларининг аҳамияти, ҳар бир омилнинг корхона фаолиятига таъсирининг хусусияти (ижобий, салбий), лагли кечикишлар, мажмуаларнинг омил ўзгаришига акс таъсири ва

унга боғлиқ харажатларни ўзгарувчан муҳитда ҳисобга олади. Бунда баҳолашнинг белгиланган кўрсаткичлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши керак.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда туристик мажмуалардаги тадбиркорлик субъектлари учун рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичи бирлик улуши аҳамиятини тўғрилаш параметрларининг вазн қийматлари ишлаб чиқилди ва ушбу параметрлардан интеграл кўрсаткич қиймати чегараларини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Туристик мажмуа рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичи бирлик улуши аҳамиятини тўғрилаш параметрларининг вазн қийматлари

Кўрсаткичлар	**Кўрсаткичлар вазни**
Таъсир (+1, –1)	-
Таъсир интенсивлиги (1,2,3)	0,2
Рақамли ўзгаришлар таъсири (1,2,3)	0,25
Қамров (1,2,3)	0,05
Омилларни ўзгартириш вақтидаги лаг кечикишлари (1,2,3)	0,15
Омилларни ўзгартириш вақтининг кечикиши (1,2,3)	0,15
Туристик мажмуанинг омилга таъсир қилиш эҳтимоли	0,2
Жами	**1,0**

Туристик мажмуалар рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичини аниқлаш бўйича тадқиқот жараёнида омил таъсири даражаси ва омилларнинг вазнини ўзида умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш услубиёти хусусий ҳолатлар учун ишлаб чиқилди. Туристик мажмуаларнинг алоҳида омил кўрсаткичларини умумлаштириш жараёнини бир неча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

$$I_{rok} = \frac{\sum_{i=1}^{n} T_d(I_{td} \bullet I_v + \ \bullet \ _v + \ _{qk} \bullet Q_{vq} + L_t \bullet L_{vq} + \ _t \bullet \ _{vq})}{n}$$

Бу ерда: I_{rok} – рақобатбардошлик омилларининг интеграл кўрсаткичи;

T_d - +1 ва -1 оралиғида ётувчи омилларнинг таъсир даражаси;

I_{td} – таъсир интенсивлиги даражаси (10 балли тизим);

I_v – таъсир интенсивлигининг вазн қиймати (1 нинг улушларида);

– таъсир оқибати, балли шкалада;

$_v$ – таъсир оқибати вазн қиймати (1 нинг улушларида);

$_{qk}$ – омил қамрови кенглиги, балли шакалада;

Q_{vq} – қамров кенглиги вазн қиймати (1 нинг улушларида);

L_t – лаг кечикишларининг омилга таъсири (йил);

L_{vq} – лаг кечикишлари вазн қиймати (1 нинг улушларида);

$_t$ – омиллар таъсири жараёнидаги харажатлар (балларда);

$_{vq}$ - омиллар таъсири жараёнидаги харажатларнинг вазн қиймати (1 нинг улушларида).

Дастлаб ушбу омилнинг таъсир йўналишини (“+” ижобий; “–” салбий) ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардошликнинг ҳар бир *i*-омили бўйича тортилган қийматини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Кейин олинган вазнли баҳоларни рақобатбардошликнинг барча омилларини ҳисобга олган ҳолда тўпланади ва моделнинг натижаси бутун мажмуа бўйича рақобатбардошлик омилларининг мутлақ рақамли интеграл қиймати бўлади. Олинган қийматни туристик мажмуа рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичи деб қаралади. Шундай қилиб, туристик дестнациялар рақобатбардошлиги омилларининг интеграл кўрсаткичи мажмуа фаолиятининг келгуси натижаларини прогноз қилиш ва жараёнларни таҳрирлаш модели сифатида асос бўлиши мумкин.

Ҳисоблашлар натижасида туристик мажмуа рақобатбардошлиги омилларининг интеграл кўрсаткичи динамик равишда ҳисоблаб чиқилади ва унинг асосида тегишли вақт кечикишини ҳисобга олган ҳолда мажмуанинг прогноз қилинган фойдаси (ёки бошқа танланган мутлақ ёки нисбий молиявий-иқтисодий кўрсаткичи) рақобатнинг амалий натижасини акс эттирадиган функция сифатида аниқланади. Агар функция асосида олинган тахмин қилинган натижа кўрсаткичлари режалаштирилган оралиқда қолса, тизим кўрсаткичларини ўзгартириш бўйича қарорлар блоки фаоллаштирилмайди ва омиллар тузатилмайди.

Таклиф қилинган модель концепцияси афзаллиги шундаки, туристик мажмуаларда автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланишнинг аниқ қўлланиладиган жиҳати ва ушбу механизмни мажмуа ҳудудидаги маълум бир корхона учун дастурий таъминот ва қурилмаларда индивидуал равишда татбиқ этилиши керак. Туристик мажмуанинг рақобатбардошлигини таъминлаш механизмининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- рақобат стратегиясини аниқлаш алгоритми;
- рақобатбардошликни бошқариш модели;
- мақсадлар;
- мажмуани ривожлантириш стратегияси бозор сиёсатининг тамойиллари, элементлари;
- рақобатбардошликни таъминлаш механизмининг техник ва ресурс элементлари;
- ушбу механизм фаолиятининг босқичма-босқич кетма-кетлиги;
- механизмнинг ишлаш усуллари ва тамойиллари.

Хулоса. Ушбу механизмни туристик мажмуа ҳудудидаги корхоналарда муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, мажмуаларнинг рақобатбардошлиги мутлақ ва нисбий қиймат сифатида баҳоланадиган интеграл мезонни аниқ шакллантириш ва ўзгаришлар шароитида кузатиб бориш зарур. Шу билан бирга, “динамик SWOT таҳлил” усули асосида, баъзи омилларни, агар улар белгиланган қийматлардан четга чиқса, уларни тузатиш учун тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ишчи алгоритмини амалга оширилиши лозим.

References

[1] Lew A.A. A framework of tourist attraction research / A.A. Lew // Annals of Tourism research. – 1987. – № 14 (4). – P. 553-575;

[2] Framke W. The destination as a concept: a discussion of the businessrelated perspective versus the socio-cultural approach in tourism theory / W.Framke // Scandinavian Journal of Hospitality and Tourism. – 2002. – № 2 (2). –P. 92-108;

[3] Saarinen J. Destinations in change: the transformation process of tourist destinations / J. Saarinen // Tourist Studies. – 2004. – № 4 (2). – P. 161-179;

[4] Saraniemi S., Kylänen M. Problematizing the concept of tourism destination: an analysis of different theoretical approaches / S. Saraniemi, M. Kylänen // Journal or Travel Research. – 2011. – 50 (2). – P. 133-143.

[5] Ismaev D.K. Marketing i upravlenie kachestvom gostinichniyx uslug. Uchebnoe posobie dlya vuzov i kolledjey. M.: 2000. - 96s.

[6] Turaev B.X. Turisticheskiy potensial Respubliki Uzbekistan i effektivnost ego ispolzovaniya // Iqtisodiyot va ta’lim. 2008, № 4, 37-42b.

[7] Kim Ok Kyung. Marketing turisticheskix gostinichnix uslug. Diss. kand.ekon. nauk. T., 1999.- 162s.

[8] Ирматов М.М., Ҳайдаров М.Т.«Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш» - (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2005 йил– 248 бет.

[9] Чудновский А.Д., Королев Н.В., Гаврилова ЕА., Жукова М.А., Зайцева Н.А. Менеджмент туризма: учебник /–М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. – С.33.